



# НОВОВВЕДЕНИЯ СОВРЕМЕННОГО НАУЧНОГО РАЗВИТИЯ В ЭПОХУ ГЛОБАЛИЗАЦИИ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

РЕСПУБЛИКАНСКАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ



VOLUME:2 ISSUE:7

## РЕСПУБЛИКАДА ВА СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА ДОН ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

Тураева Гулизаҳро Қаххоровна

Гулистон Давлат Университети мустақил  
тадқиқотчиси

+998945851984 [zakhroturaeva@gvail.com](mailto:zakhroturaeva@gvail.com)

**Аннотация.** Мақолада Сирдарё вилояти мисолида дон етиширишининг илгор усуллари, замонавий ва интенсив агротехнологиялари амалиётга дадил тадбиқ этилиши ва чет эллардан ҳосилни тез нес-нобуд қилмай ўриб-йигиб оладиган комбайнлар сотиб олиш, технологияларни модернизациялаш зарурияти ҳақида боради.

**Калим сўзлар:** Қишлоқ хўжалиги, донли экинлар, самарадорлик, ислохотлар, дон маҳсулотлари, халқаро тренд, дон саноати

### Кириш (Introduction)

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ, қишлоқ хўжалиги соҳасида кенг қўламли ислоҳотлар бошлаб юборилди ва “Фалла мустақиллиги” фояси олға сурилди. Аҳолини ўзимизда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз равишда таъминлаб туриш муҳим стратегик аҳамиятга эга. Чунки, бу – биргина озиқ-овқат ва миллий хавфсизликни таъминлаб қолмай, пировардида давлатнинг халқаро ҳамжамиятда обрўйи сақлаб қолинишига ҳам катта таъсир кўрсатади. Ушбу муаммони ҳал қилишда донли экинларнинг роли ва ўрни алоҳида ажралиб туради. Ўзбекистонда 1913-2000 йилларда қишлоқ хўжалиги экин майдонлари ва уларнинг таркибий ўзгаришини таҳлил қиласидан бўлсак, дон тармоғи ривожига азалдан катта эътибор бериб келинган ва буғдой қишлоқ хўжалиги экинлари таркибида асосий ўринлардан бирини эгаллаган. Жумладан, 1913 йилги маълумотларга қараганда, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жами экин майдонининг 70,1 фоизини ғалла экинлари эгаллаган, (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Ўзбекистонда 1913-2000 йилларда қишлоқ хўжалиги дон етишириш экин майдонлари ва уларнинг таркибий ўзгариши<sup>1</sup>

<sup>1</sup> “Народное хозяйство Узбекской Р. 1990 г.”; 2. F.X.Кудратов. “Иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш асосида ғаллачилик тармоғи самарадорлигини ошириш” Авт 2008, Шунингдек, Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

# НОВОВВЕДЕНИЯ СОВРЕМЕННОГО НАУЧНОГО РАЗВИТИЯ В ЭПОХУ ГЛОБАЛИЗАЦИИ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

РЕСПУБЛИКАНСКАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ



VOLUME:2 ISSUE:7

Кўрсаткичлар	1913й	1940й	1970й	1980й	1990й	2000й
Жами экин майдони, минг га	2214,6	3098,9	3476,0	3994,6	4194,2	3778,3
<b>Шу жумладан</b>						
Фалла (дон) экинлари шундан, сугориладиган майдонларда	1552,9	1501,7	1159,8	1179,8	1008,1	1614,0
<b>Салмоғи (%)ларда</b>						
Фалла (дон) экинлари шундан, сугориладиган майдонларда	70,1	48,5	33,4	29,4	24,0	42,7
<b>Жами</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>

Мамлакатнинг дон экспорт қилувчи давлатларга боғлиқлиги ёки боғлиқ эмаслиги дон ва дон маҳсулотлари билан ўзини-ўзи таъминлашга асосланган дон ишлаб чиқаришни ривожлантириш салоҳияти ва самарадорлигига қараб белгиланади. Шундан келиб чиқиб, мамлакатда арzon ва сифатли донли экинлар етишириш миқдорини ошириш, ундан самарали фойдаланишни йўлга қўймай туриб, аҳолини дон ва дон маҳсулотлари, чорвачиликни озуқа билан таъминлашни узлуксиз равишда яхшилаб бориш ва соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириб бориш мумкин эмас.

Ўзбекистонда 1993 йили аҳоли эҳтиёжларини ўзимизда етиширилаётган дон ва дон маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган ғалла мустақиллиги Дастурининг ишлаб чиқилиши шу санаб ўтилган омилларга асосланди ва изчилик билан босқичма-босқич амалга оширилиб борилди.

Ғалла мустақиллиги дастурига асосан, уни амалга оширувчилар уч турдаги хўжалик юритиш шакллари, яъни ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳисобланади. Товарлилик жиҳатидан дон етишириш асосан, ширкат ва фермер хўжаликлирида мужассамлашади, уларга дон етишириш бўйича давлат буюртмаси белгиланади. Деҳқон хўжаликлари етиширилаётган донни асосан ўз эҳтиёжига ишлатади ва ортиқчасини эркин бозорга чиқаради. Шунга қўра, тармоқда барқарор дон ишлаб чиқаришни таъминлаш макродаражада ва микродаражадаги омилларнинг таъсирига боғлиқ. Олиб борилган таҳлиллар шуни қўрсатмоқдаки, республика дон тармоғида макродаражада юқори самарали ҳисобланади. Унинг асосий мақсадли вазифаси-аҳолининг донни қайта ишлаш маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришдан иборат ва бу маҳсулотларнинг муҳимларига нон маҳсулотлари, ун, ёрма, макарон

# НОВОВВЕДЕНИЯ СОВРЕМЕННОГО НАУЧНОГО РАЗВИТИЯ В ЭПОХУ ГЛОБАЛИЗАЦИИ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

РЕСПУБЛИКАНСКАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ



VOLUME:2 ISSUE:7

маҳсулотлари киради. Мамлакатнинг, пировард эҳтиёжлар нуқтаи-назаридан дончилик тармоғининг бу бўғинлари эҳтиёжларининг микдор, сифат, турли хил ва нарх бўйича қай даражада қондирилаётганлини (2-жадвал) баҳолашимиз мумкин. Масалан ҳосил 2022 йил холатига 7990,5 минг тонна.

**2-жадвал**

## Ўзбекистон Республикасида етиштирилаётган донли экинлар ялпи ҳосили динамикаси<sup>2</sup> (минг тонна)

Экин турлари	Йиллар					2022 й. 2000 й. га нисбатан, % да
	2000	2010	2015	2020	2022	
Буғдой	3532,6	6745,0	6964,7	6157,8	6270,1	177
Шоли	159,6	249,8	425,7	293,5	359,1	225
Маккажўхори	130,6	231,7	439,6	475,3	656,4	502
Бошқа экинлар	106,5	277,8	343,5	709,4	704,9	664
Жами	3929,4	7504,3	8173,5	7636,0	7990,5	203

Аммо, микродаражада дон ишлаб чиқариши тўлиқ самарали деб бўлмайди, бунга бир қатор сабаблар бор: дон ишлаб чиқариш технологиясининг такомиллашмаганлиги; ресурслар ва хизмат нархларининг юқорилиги; давлат буюртмаси ҳисобига сотиб олинаётгандан харид нархининг пастлиги; ерларнинг шўрланиш даражаси ошиб бораётганлиги ва ниҳоят, дон бозорининг деярли шаклланмаганлиги. Микродаражада, сарф-харажатларни қисқартириш, доннинг харид нархларини бозор нархларига, шу жумладан, жаҳон бозори нархига яқинлаштириш, технологик жараёндаги ва дон маҳсулотларини истеъмолчига етказиб беришдаги йўқотишларни камайтириш ва фермер, деҳқон даромадининг юқори бўлиши билан белгиланади. Ялпи ҳосилни оширишнинг омиллари — ҳосилдор, касаллик ва зараркунандаларга чидамли навлар яратишдан, интенсив технология, комплекс механизациялаш ва кимёлаштириш асосида янги агротехника усусларини қўллашдан иборат.

**3-жадвал**

## Сирдарё вилояти туманларида 2018-2022 йиллардаги барча тоифадаги хўжаликларда буғдой етиштириш бўйича қўрсаткичлар<sup>3</sup>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

<sup>3</sup> Ўз.Р.Статистика агентлиги маълумотлари асосида

# НОВОВВЕДЕНИЯ СОВРЕМЕННОГО НАУЧНОГО РАЗВИТИЯ В ЭПОХУ ГЛОБАЛИЗАЦИИ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

РЕСПУБЛИКАНСКАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ



VOLUME:2 ISSUE:7

йилла р	Кўрсаткичлар номи	Туманлар номи							
		Боёвут	Гулмистон	Мирзаобод	Оқолтин	Сардоба	Сайхунобод	Сирдарё	Ховос
<b>Жами экилган майдон. га.</b>		<b>14 000</b>	<b>10 000</b>	<b>1 800</b>	<b>13 800</b>	<b>11 800</b>	<b>12 900</b>	<b>9 900</b>	<b>9 800</b>
2018 йил	Ҳосилдорлик ц\га	53.1	52.4	47.2	48.4	45.5	55.3	54.3	45.8
	Ялпи ҳосил.минг тонна	77420	5240 0	944 0	6292 0	5920 0	7189 0	5530 0	4580 0
2019 йил	Ҳосилдорлик ц\га	59.2	55.7	52.7	52.8	49.7	59.0	58.7	49.8
	Ялпи ҳосил.минг тонна	83456	5566 3	105 40	6865 7	6465 8	7675 8	5865 4	4975 2
2020 йил	Ҳосилдорлик ц\га	61.5	60.1	58.4	56.6	55.2	57.4	62.1	54.3
	Ялпи ҳосил.минг тонна	73800	6212 0	100 80	6792 0	6624 0	7608 0	6888 0	6516 0
2021 йил	Ҳосилдорлик ц\га	65,9	63,1	59,6	58,8	57,8	64,6	64,6	57,1
	Ялпи ҳосил.минг тонна	92252	6313 5	107 21	8116 4	6816 8	8339 1	6396 4	5593 0
2022 йил	Ҳосилдорлик ц\га	64,9	64,4	64,6	63,3	62,1	66,0	64,6	60,1
	Ялпи ҳосил.минг тонна	81182	5154 1	225 98	8550 6	77 596	72 553	5593 0	60 069

Бугунги кунда Сирдарё вилояти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва асосий турдаги дон маҳсулотларини ички бозорга етказишида Республикализнинг етакчи вилоятига айланган. Сирдарё вилояти донли экинлар етиштириш учун қулай худудга эга бўлган тўлиқ суғориладиган ерлардан иборат худуд ҳисобланади.

**Хулоса ва таклифлар (Conclusion & Recommendations)**

# НОВОВВЕДЕНИЯ СОВРЕМЕННОГО НАУЧНОГО РАЗВИТИЯ В ЭПОХУ ГЛОБАЛИЗАЦИИ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

РЕСПУБЛИКАНСКАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ



VOLUME:2 ISSUE:7

Хулоса қилиб айтганда ҳосилдирликни оширишда иқлим таъсири каттадир, ерларнинг миллиоротив ҳолатини яҳшилаш чўллашиб бораётган ҳудудларга қарши самарали тежамкор суғориш технологияларидан фойдаланишини талаб этади.

## Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. F.X.Курратов. “Иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш асосида ғаллачилик тармоғи самарадорлигини ошириш” Авт 2008
2. М.П. Тушканова, А.Ф. Максимова Организация сельскохозяйственного производства (учебник; издание второе, перераб. и доп.) - "ИНФРА-М", 2021 г.
3. С.А.Суслов Обеспечение устойчивого производства зерна.. автреф 2022.
4. Султонов Б, Тураева Г,.. “Сирдарё вилояти қишлоқ хўжалигида донли экинлар ҳосилдорлигининг 2024-2027 йилгача бўлган прогноз параметрлари” Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари № 4 (4) – 2024 71-78 8 [file:///C:/Users/User/Downloads/11\\_Sultonov+Turayeva+Norbutayev.pdf](file:///C:/Users/User/Downloads/11_Sultonov+Turayeva+Norbutayev.pdf)
5. Умаров С., Тураева Г., Чоршанбаев У. Қишлоқ хўжалигида донли экинлар хажмининг 2023-2030 йилгача бўлган прогноз параметрлари //Iqtisodiyot va ta’lim. – 2024. – Т. 25. – №. 2. – С. 361-366.
6. “Народное хозяйство Узбекской Р. 1990 г.”;
7. С.З. Нуридинов Тема Региональные особенности формирование и развитие частного сектора в сельском хозяйстве .авт реф 2019
8. Ikromjonovna, J. S. (2024, March). Methods of Teaching Mathematics in Primary Classes. In International Global Conference (Vol. 1, No. 4, pp. 19-25).
9. СТАТ.УЗ маълумотлари